



Priority directions of increasing the investment attractiveness of economic sectors and networks in our republic

Islam ERGASHEV¹

Samarkand Institute of Economics and Service

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2022

Received in revised form

20 June 2022

Accepted 25 July 2022

Available online

15 August 2022

Keywords:

economy,
investment attractiveness,
financial problems,
investment policy,
investment activity,
service.

ABSTRACT

The article focuses on the fact that investments are one of the main factors influencing the socio-economic development of the entire macroeconomic system. In the context of economic modernization, the complexity of the process of forming a practical mechanism for investment development is explained not only by the lack of the ability to comprehensively assess the activities of individual regions and industries, but also by the existing disproportions in the process of forming an effective investment policy. Thus, it is possible to maintain the development of regions at a relatively equal level, using different methods. At the same time, the implementation of the territorial policy of the state in practice is considered important, and it should allow the formation of nationwide social standards to facilitate the implementation of investment processes, especially within the same network, but between different territorial structures.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss7/S-pp13-19>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Республикамизда иқтисодиёт соҳа ва тармоқларининг инвестицион жозибadorлигини оширишнинг устувор йўналишлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

иқтисодиёт,
инвестицион
жозибadorлик,
молиявий муаммолар,

Мақолада инвестицион қўйилмалар бутун бир макро-иқтисодий тизимнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири эканлигига эътибор қаратилган. Иқтисодиётни модернизация

¹ Samarkand Institute of Economics and Service

инвестицион сиёсат,
инвестицион фаолият,
хизмат кўрсатиш.

циялаш шароитида инвестицион ривожланишнинг амалий механизмини шакллантириш жараёни мураккаблашувига нафақат алоҳида ҳудудлар, соҳа ва тармоқлар фаолиятини ҳар томонлама баҳолаш имконининг мавжуд эмаслиги, балки самарали инвестицион сиёсатни шакллантириш жараёнида мавжуд номутаносибликлар ҳам таъсир этиши ёритилган. Шу аснода турли усулларни қўллаш орқали ҳудудлар ривожланишини нисбатан тенг даражада ушлаб туриш имконияти юзага келади. Шу билан бирга, амалда давлатнинг ҳудудий сиёсатининг амалга оширилиши муҳим ҳисобланиб, у, хусусан, бир тармоқ ичида, лекин турли ҳудудий тузилмалар ўртасида инвестицион жараёнларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида миллий ижтимоий стандартларни шакллантиришга имкон бериши керак.

Приоритетные направления повышения инвестиционной привлекательности отраслей экономики и сетей нашей республики

Ключевые слова:

экономика,
инвестиционная
привлекательность,
финансовые проблемы,
инвестиционная
политика,
инвестиционная
деятельность,
сервис.

АННОТАЦИЯ

В статье акцентируется внимание на том, что инвестиции являются одним из основных факторов, влияющих на социально-экономическое развитие всей макроэкономической системы. В условиях модернизации экономики сложность процесса формирования практического механизма инвестиционного развития объясняется не только отсутствием возможности комплексно оценивать деятельность отдельных регионов и отраслей, но и существующие диспропорции в процессе формирования эффективной инвестиционной политики. Таким образом, можно поддерживать развитие регионов на относительно равном уровне, используя разные методы. При этом важным считается реализация территориальной политики государства на практике, и она должна позволять формировать общегосударственные социальные стандарты для облегчения осуществления инвестиционных процессов, особенно в рамках одной сети, но между разными территориальными структурами.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда мавжуд молиявий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализацияси ҳажмлари, товар оқимларининг чегаралари мустақил равишда белгиланмоқда. Келгусида бу йўналишдаги ривожланишнинг салбий тенденцияларини пасайтириш учун мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш асосли ҳисобланади. Шу билан бирга, мувофиқлаштирувчи ташкилий тузилма ташкил этилиши керак ва у мамлакатимизда ягона ҳуқуқий, ахборот-аналитик, ташкилий, инвестицион муҳитнинг шаклланишига имкон бериши ва мамлакатнинг ҳар бир ҳудуд ва иқтисодий тармоқларида долзарб йўналишларни аниқлаш имконини бериши зарур.

Бизнинг фикримизча, турли ҳудудий тузилмалар, тармоқ ва фаолият соҳаларида қабул қилинаётган чора-тадбирларни уч асосий йўналишга ажратиш мумкин: моливий оқимларни назорат қилиш; нархларни бошқариш (тартибга солиш) орқали бозорни назорат қилиб бориш; турли дастурларни ишлаб чиқиш ва жамғармаларни ташкил этиш. Ушбу шарт-шароитларда давлат миқёсида олиб борилаётган инвестицион сиёсатни такомиллаштириш ҳудудий ривожлантириш ва алоҳида хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги ёндашувларда фарқларнинг мавжудлиги сабабли мураккаблашмоқда.

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Инвестицион сиёсатни такомиллаштириш қуйидагиларга асосланиши керак:

– турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш;

– мавжуд бозор ҳолатини мунтазам ҳисобга олиб бориш;

– бозор иқтисодиёти институтлари ва ижтимоий муносабатларнинг янги шакллари шакллантириш орқали хўжалик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва усуллари такомиллаштириш;

– хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро алоқаларнинг янги тизими ривожланишининг табиий босқичларини босиб ўтиши лозим.

Шундай экан, ҳозирги шарт-шароитда мамлакатимиз иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши сифат жиҳатидан янги тизимга асосланиб амалга оширилиши ва ушбу тизим амал қилиш ва тартибга солишнинг ўзига хос қонуниятлари билан тавсифланиши керак. Хизмат кўрсатиш жараёнини тартибга солиш ва янгича ёндашувларнинг махсус институционал тизимининг шакллантирилиши барча тармоқ ва фаолият соҳаларида ривожланишнинг белгиланган стратегик кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

Бозор муносабатларининг ривожланиши иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур ҳисобланган йирик инвестицион ресурсларни йўналтириш заруратини белгилайди [1]. Бу жараёнда ушбу ресурслар иқтисодиётнинг реал секторига, ижтимоий ва махсус таълим дастурларига йўналтирилиши учун давлат зарурий шарт-шароитларни яратиши керак. Бошқа инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши хусусий инвесторлар томонидан ишлаб чиқилиши лозим.

Республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар негизида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратди. Яъни иқтисодий ислохотлар хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари фаолиятларини такомиллаштириш, янги хизмат кўрсатиш шакллари ва усуллари-нинг вужудга келишида муҳим восита бўлди. Хусусан, компьютерли дастурлаш хизматлари, таълим хизматлари, соғлиқни сақлаш хизматлари ва қишлоқ хўжалиги соҳаси хизматлари турларининг янги ҳисобот шаклига киритилганлиги олдинги даврда ушбу хизматларнинг бошқа хизматлар таркибида бўлганлигидан далолат беради.

Маълумки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар молиялаштиришнинг истиқболли манбаси бўлиб ҳисобланади [2], шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам.

Хорижий инвестициялар ҳажмининг ортиши хўжалик субъектлари асосий фондларининг технологик янгиланишига, хизматлар экспорти, технологиялар импорти ва амалий тажриба қўникмаларининг ўсишига имкон беради. Шундай

қилиб, яқин истиқболда мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган давлат ҳокимияти миқёсида амалга ошириладиган сиёсатнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши керак, жумладан:

- меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳудудий сиёсатни такомиллаштириш;
- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг амалий механизмини ишлаб чиқиш (шакллантириш);
- хориждан кириб келаётган инвестиция маблағларини тармоқлараро тақсимлаш тизимини такомиллаштириш.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш муҳимки, ушбу чора-тадбирлар комплекс характер касб этиши лозим. Бу яқин келажакда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларининг устувор тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш соҳаси давлат ва хорижий инвесторлар томонидан қўллаб-қувватланиши борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида устувор саналаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бу соҳада хўжалик субъектлари сони салмоқли миқдорни ташкил этиб, ўз мақсадли йўналишига кўра мақбул хизматларни таклиф этади [3], улар бозорнинг турли сегментларига мўлжалланган ҳамда сифат жиҳатидан талабга жавоб беради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларининг инвестицион сиёсатини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқиладиган йўналишлар давлат миқёсида иқтисодий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар дастури билан узвий боғлиқликда қаралиши керак ва бу турли тармоқ ва фаолият соҳаларида мавжуд муаммоларни тизимли ҳал қилиш имконини беради [4]. Инвестицион фаолият ва амалга оширилаётган инвестицион сиёсат бутун бир хўжалик юритишнинг макроиқтисодий тизимидан алоҳида равишда самарали ривожлана олмайди. Шу сабабли давлат ҳокимияти миқёсида қабул қилинаётган бошқарув қарорлари барча даражадаги бошқарув тузилмалари билан мувофиқлаштирилиши ва алоҳида тармоқ ва фаолият соҳаларининг талабларига жавоб бериши керак. Бундай шарт-шароитларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларига нафақат алоҳида тармоқлар, ҳудудий тузилмалар миқёсида, балки бутун мамлакат миқёсида эришишнинг имкони туғилади.

Мамлакатимизда қулай инвестицион шарт-шароитларнинг яратилганлиги турли тармоқ ва фаолият соҳаларидаги хўжалик субъектлари фаолиятининг самарадорлиги билан аниқланиб, хорижий инвесторларда мавжуд молиявий ресурсларини маҳаллий ташкилот, лойиҳа ва дастурларига жалб қилиш жараёнини фаоллаштирувчи муҳим омил ҳисобланади. Кўйилган вазифани ҳал қилиш мақсадида мамлакатимиз иқтисодиётининг алоҳида секторларидаги инвестицион имкониятлар тўғрисида хорижий инвесторларни маълумотлар билан таъминлаш механизми самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу имкониятлар мулк ҳуқуқи кафолатлари ва бир хил рақобат шарт-шароитларини таъминлаш ҳамда валюта тартибга солинишини эркинлаштиришдан иборат.

НАТИЖАЛАР

Шундай қилиб, инвестицион сиёсат яқин истиқболда амалий бўлиши учун қуйидаги икки йўналишда амалга оширилиши керак:

– хусусий секторнинг инвестициялари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, улар мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилишнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади [5];

– бюджет маблағларини инвестиция қилиш самарадорлигининг максимал даражада бўлишини таъминлаш.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳар бир алоҳида ҳудудий тузилма инвестицион сиёсатининг мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилишида ҳам ташқи, ҳам ички омиллар мажмуини ўзида ифодаловчи ўзига хослик ҳисобга олинишига қарамасдан, инвестицион сиёсат шаклланишининг умумий қирраларини ажратиб кўрсатиш мумкин, жумладан:

– муҳим аҳамиятга эга бўлган фаолият объектлари ва йўналишларини жадал ривожлантириш;

– мавжуд имкониятлардан фойдаланишни оптималлаштириш ва рационаллаштириш [6];

– инвестицион жараёнлар амалга оширилаётган барча ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий шароитларни мувофиқлаштириш.

Инвестицион сиёсатни шакллантириш жараёнининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, инвестицион фаолиятда қатнашувчи ташкилотлар ўзининг ривожланганлик даражасида намунали кўрсаткичлар билан характерланади, мулк ҳажмлари ва шаклларига кўра ҳамда ўзгариб боровчи ташқи муҳит омилларига мослашувчанлигига кўра фарқланади. Шу сабабли инвестицион сиёсатни тадқиқ этишда ягона ёндашувни ишлаб чиқиш мураккаблашади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси фаолият юритувчи хўжалик субъектлари сонининг катта миқдорини ташкил этиши билан характерланади ва уларнинг фаолияти уларга таъсир этувчи омиллар билан аниқланади. Натижада шундай вазият юзага келадик, ўзининг йўналиши, ҳажми, мавжуд ресурсларига кўра ажралиб турувчи корхоналар ривожланиши муайян меъёрлар билан чекланади ва ушбу меъёрлар инвестицион фаолиятни белгилаб беради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолиятни ривожлантириш борасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар амалга оширилаётган инновацион-инвестицион жараёнлар самарадорлигининг ортишига олиб келмайди, бу эса алоҳида хўжалик субъектлари ва умуман хизмат кўрсатиш соҳасида қўйилган мақсадларга ўз муддатларида эришиш имконини бермайди.

МУҲОКАМАЛАР

Бизнинг назаримизда, хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган инвестицион сиёсатнинг бундан кейинги йўналишларини белгилаб берувчи мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар асосида барча инвестицион фаолият иштирокчиларининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни оширишга қаратилган интилишлари назарда тутилиши керак. Молиявий институтлар ва кредит ташкилотлари учун даромаднинг кўпайиши фаолият юритишнинг ижтимоий самарадорлиги ортиши билан боғлиқ бўлиши керак, бу эса уларда мавжуд молиявий ресурсларни ижтимоий объектлар, лойиҳа ва дастурларга киритиш орқали эришиш мумкин. Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида уларда мавжуд молиявий ресурсларни лойиҳа, дастур ва хўжалик

субъектларига киритишни фаоллаштириш орқали эришиш истиқболли ҳисобланади [8]. Шу билан бирга, аҳолининг инвестицион фаоллигини оширувчи шундай механизм яратилиши зарурки, бу механизм индивидуал инвестицион лойиҳаларни ўз ичига олиб, фуқароларга ишончли бошқарув шартлари асосида маҳаллий қимматли қоғозларга инвестициялар киритиш имконини беради.

Лекин, бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа фаолият тармоқларига нисбатан устуворлиги, биринчидан, давлат томонидан амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш орқали, иккинчидан, манфаатдор томонлар – давлат, кредит ташкилотлари ва молия институтлари ҳамда аҳолининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш орқали аниқланиб, бу хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион фаолият самарадорлигининг ўсиши муаммосини ечишда комплекс ёндашишни таъминлайди ва шу аснода инвестицион сиёсатга асосланиб, инвестицион жараёнларни жадаллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради [9]. Ушбу инвестицион сиёсатнинг асосини хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида хўжалик субъектлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади ва бутун бир макроиқтисодий тизимда содир бўлаётган ўзгаришларнинг кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

ХУЛОСАЛАР

Шундай қилиб, алоҳида хўжалик субъектлари ва умуман хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун корхона ва ташкилотлар, банклар ва молиявий тузилмалар, фуқаролар, хорижий давлатлар ва халқаро молия ташкилотларининг кредит ва грантлари, молиялаштиришнинг бошқа нобюджет манбаларини жалб қилиш муҳим ҳисобланади. Аниқлаштирилган стратегик мўлжаллар хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларининг инвестицион сиёсатини такомиллаштириш бўйича нисбатан тўлиқроқ тартибларни ишлаб чиқиш имконини беради. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасига инвестициялашда давлатнинг иштироки, асосан, дастурли-мақсадли механизмлар орқали амалга оширилиши керак. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида хўжалик субъектларининг инвестицион жарёнларини ривожлантириш самарадорлигининг юқори бўлишини таъминлаши мумкин. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти органлари томонидан тижорат банклари кредит фоизларининг муайян қисмини субсидиялаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиниши мумкин. Ушбу ҳолатга давлат, аҳолига хизмат кўрсатувчи банклар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кўчайтириш орқали эришиш мумкин [10]. Шунинг ҳам қайд этиш муҳимки, ўрта муддатли истиқболда давлат томонидан қўллаб-қувватлашининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган: ижтимоий ривожланишни таъминлаш, бозор инфратузилмасини самарали ривожлантириш, замонавий иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аликулов С.А., Ризаев И.И. Основы управления и оценки эффективностью предприятия // *Фундаментальные и прикладные аспекты глобализации экономики.* – 2021. – С. 233–235.

2. Imomalievich R.I. Synergetic interpretation of society development // *International Engineering Journal for Research & Development.* – 2020. – Т. 5. – №. 3. – С. 5–5.

3. Тўраев Б.О. и др. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши // Т.: Наврўз нашриёти. – 2017. – С. 12–13.
4. Ганиев К., Ризаев И.И. Конструктивные и деструктивные аспекты либерализации социальной системы: философский подход // Вестник Прикамского социального института. – 2021. – №. 2 (89). – С. 156–162.
5. Khotambekovna E.M. Systematic Analysis of Education // ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. – 2021. – Т. 2. – №. 07. – С. 85–96.
6. Эргашева М.Х. Таълимда инновацион ғоялар кириб келишидаги хаотик жараёнлар ҳамда таълим тизимида аттрактор омили // Философия и жизнь международный журнал. – 2022. – №. SI-1.
7. Ergashev I.I. Features of evaluation of investment attractiveness of service enterprises // The Fourteenth International Conference on Economic Sciences. – 2017. – С. 102–105.
8. Тураев Б. О. Фанда толерантлик ва интолерантлик // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 23. – С. 41–48.
9. Сафаров А.И., Ризаев И.И. Возможности и перспективы экотуризма в узбекистане // Экономика и управление гостеприимством территории. – 2021. – С. 123–127.
10. Khayitboy K., and R. Ilhom. The impact of liberalization on the development of the social system. International Engineering Journal For Research & Development 5.3 (2020): 4–4.
11. Ismoilovich E.I. The mechanism of evaluation of innovative investment processes effectiveness in the service sector // SAARJ Journal on Banking & Insurance Research. – 2016. – Т. 5. – №. 3. – С. 60–71.
12. Usmonov F.N. The role rationalization in the acceleration of life sequence // Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 3. – С. 227–229.
13. Alikulov S.A., Rizaev I.I. Methodological problems of research of social systems // Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 2. – С. 717–720.
14. Усмонов Ф.Н. Рациональность и традиция в развитии науки // Инновации в технологиях и образовании. – 2016. – С. 349–353.
15. Саматов Х.У. Социальные вопросы в учении Махдуми Азами Касани // Учёный XXI века. – 2016. – №. 2-1 (15). – С. 63–66.
16. Ризаев И. И., Муминова З.О. Профессиональная подготовка личности: оздоровление и духовное воспитание // Система менеджмента качества в вузе: здоровье, образованность, конкурентоспособность. – 2021. – С. 264–268.